

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАДЖАПОВА ЗУХРА ТИРКАШЕВНА

**ДИЗАЙН ТЎГАРАКЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ
ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Раджапова Зухра Тиркашевна

Дизайн тўгаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш
методикаси.....5

Раджапова Зухра Тиркашевна

Методика развития творческих способностей учащихся
в кружках дизайна.....22

Radjarova Zukhra Tirkashenva

Improving methodological principles of developing student's creative
capabilities in desicapabilities in designing
circles.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАДЖАПОВА ЗУХРА ТИРКАШЕВНА

**ДИЗАЙН ТЎГАРАКЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ
ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

The theme of dissertation of doctor of Philosophy Degree (PhD) on pedagogical sciences is registered in the Higher Certifying Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan for B2017.2.PhD/Ped18

The doctoral dissertation has been prepared at the Tashkent State Pedagogical University.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, English (abstract)) has been uploaded to the website of the Scientific Council www.tdpu.uz and informative and educational portal Ziyonet at www.ziyonet.uz.

Scientific consultant: **Bulatov Saidakhbor Sobitovich**
Doctor of Pedagogical Sciences, professor


Official opponents: **Ismoilova Zukhra Karabayevna**
Doctor of Pedagogical Sciences, professor
Boymetov Botir Baltabayevich
Candidate of Pedagogical Sciences, professor


Leading organization: **Gulistan State University**


The defence of the dissertation will take place on «30» 10 2020 at 10 at the meeting of Scientific Degree Awarding Council № 01.03.30. 2020. 3yb. 26.01 under Tashkent State Pedagogical University (Address: Bunyodkor street, building 27, Chilanzar district, 100185 Tashkent city. Tel: (99871) 276-82-32, fax: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).


The dissertation can be found at the Information Recourse Center of Tashkent State Pedagogical University (the dissertation has been registered with the number 1377 address: Bunyodkor street, building 27, Chilanzar district, 100185 Tashkent city. Tel: (99871) 276-82-32, fax: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Abstract of dissertation was distributed «21» 10 2020.
(the record of the distribution as of 18 2020).


R.H. Djurayev
Chairman of the Scientific Degree
Awarding Scientific Council,
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, academic


R.G. Isyanov
Scientific secretary of the scientific council
Awarding Scientific degrees, associate
Pedagogical sciences, docent


N.A. Muslimov
Chairman of the scientific seminar under
Scientific degree Awarding Scientific Council,
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган глобал ахборотлашув, ижтимоий муносабатлардаги кескин ўзгаришлар, тезкор иқтисодий ривожланиш шароитида таълим жараёнига шахсни ҳар томонлама камол топтириш, эркин, мустақил, танқидий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантиришни таъминлаш механизмлари татбиқ этилган. ЮНЕСКО томонидан 2006 йилда қабул қилинган “Бадий таълимнинг йўл харитаси” ҳамда 2010 йилда қабул қилинган “Сеул кун тартиби”да санъат воситасида шахс тарбиясини ташкил этиш, бадий ва эстетик тарбиянинг устувор йўналишлар, амалий-эстетик аҳамиятга эга бадий-маданий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳоннинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқувчиларнинг бадий, эстетик ва ижодий қобилиятларини ривожланиш механизмлари, санъат ва маданият мактабларда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг бадий тарбия фаолиятини креатив асосда ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мегаполисларда таълим олувчиларнинг эстетик тарбиясини ривожлантириш, ўқувчиларнинг дизайнерлик, ихтирочилик ва техник ижодкорлигини ривожлантириш, шахс қобилиятига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамызда санъат воситасида шахс тарбиясини ривожлантириш, ўқувчиларни дизайнерлик ва техник ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш, санъат тўғарагида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш”¹ каби устувор вазифалар белгиланди. Натижада, дизайн тўғарақларида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг бадий-эстетик тарбиясини ижодий ривожлантириш учун кенг шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон ги, 2019 йил 29 апрелдаги, “Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонлари, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 6-сон, 70-модда

янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 9-сон “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. М.Х.Ахунова, Ф.А.Джумабаева, Р.Ҳ.Джураев, И.Н.Исломов, Н.А.Муслимов, Н.Суфиходжаев, Ў.Қ.Толипов, З.М.Турсунова, Х.А.Тўракулов, Г.С.Шарипова, Ш.С.Шариповларнинг тадқиқотларида ўқувчи ва талабаларнинг ижодий тафаккури, шунингдек, дизайнерлик, ихтирочилик ҳамда техник ижодкорлигини ривожлантириш, умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек адабиётини ўрганишда тасвирий санъат имкониятларидан фойдаланиш муаммолари тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида “қобилият”, “ижодий қобилият”, “технологик таълим”, “дизайнерлик фаолияти” тушунчаларининг назарий тавсифини ёритиш, улар асос бўлувчи педагогик жараёнларни тадқиқ қилиш бўйича туркум тадқиқотлар олиб борилган. Н.П.Ансимова, И.В.Косенкова, В.А.Крутецкий, К.В.Макарова, В.Н.Морозова, С.Л.Рубинштейн, В.Д.Шадриковлар шахс қобилияти, уни ривожлантириш, шахс қобилиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, шахс қобилиятининг ривожланганлик даражалари; А.К.Алексеевна, С.А.Гаврицков, А.Г.Дорошенко, А.А.Кутумова, О.В.Стукалова, Ю.В.Тимофеева, Ю.Л.Хотунцев “Технология” ўқув фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш мазмуни, ижтимоий-педагогик жиҳатлари; М.И.Беляева, С.Н.Земелёв, М.Н.Марченко, М.Б.Павлова, Ж.Питт, Н.А.Синь турли ёшдаги шахслар (ўқувчилар, талабалар)да дизайнерлик қобилиятини ривожлантириш, уларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикаси ҳамда технологиялари, улардан мақсадли фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган.

Armand Hatchuel, Inam Haq, Maziar Asefi, Pascal Le Masson, Philippa Lyon, Che Mustafa Mazlina, Elnaz Imani хорижлик тадқиқотчилар томонидан дизайнерлик қобилияти, ўқувчи ва талабаларда ушбу қобилиятни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тўғарақлар ишини ташкил этишнинг ташкилий-услубий асосларини яратиш” номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дизайн тўғарақларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик-психологик жиҳатларини таҳлил этиш;

шахсга йўналтирилган технология асосида тўғаракларда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш механизминини такомиллаштириш;

витаген технологиялар воситасида тўғаракларда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш;

компетенциявий ва рефлексив ёндашув асосида тўғаракларда ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ривожланганлик даражасини ташхисловчи мезонларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг шакли, методикаси ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью), тест, педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш жараёнининг модели ўқувчи томонидан ижодий намунани ярата олиш параметрлари асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикаси дизайнга оид муаммога мантиқий ёки ностандарт қараш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш технологиялари дизайнга мавзулар кесимида мақсадли топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятининг ривожланганлик даражасини “паст” (когнитив даража), “ўрта” (амалий-фаолиятли даража) ва “юқори” (ижодий-рефлексив даража) компетенциявий мезонлари асосида баҳолаш кўрсаткичлари диагностик ва мажмуавий ёндашувлар орқали аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ижодий ғоя генератори”, “моддиятдаги мантик”, “хаёлотдаги чексизлик” методлари ишлаб чиқилган;

дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

муаммоли, ривожлантирувчи, дифференциал, лойиха, интерфаол, инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

ўқувчиларнинг ижодий қобилиятининг ривожланганлик даражасини ташхисловчи мезонлар (паст – когнитив даража; ўрта – амалий-фаолиятли даража; юқори – ижодий-рефлексив даража) ва технология ўқув фанини

истикболли ривожлантиришга қаратилган амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган принциплар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методологияси ва методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш модели ва мавзуга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилгани ҳамда улардан дизайн тўғараклари фаолиятини такомиллаштиришга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш жараёнини ташхис қилишга оид таклифлар асосида:

дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ривожланганлик даражасини ташхислаш бўйича таклифлар асосида “Деворий декоратив безак” номли саноат намунаси яратилган ва Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 89-03-446-сон маълумотномаси). Натижада, илмий асосланган тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини аниқроқ баҳолаш ва унинг натижасида мониторинг ишларини мақсадли ташкил қилиш имконини берган;

ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш методикасини муаммога мантиқий ҳамда ностандарт ёндашиш ёки масалани алоҳида тизим сифатида лойиҳалаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлардан №А-1-30 “Миллий рамзлар энциклопедиясини тайёрлаш ва нашр этиш” номли илмий грант (2015-2017 йй.) доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 89-03-446-сон маълумотномаси). Натижада, дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилияти ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш имконини берган;

муаммоли, ривожлантирувчи, дифференциал, лойиҳа, интерфаол, инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлардан №А-1-30 “Миллий рамзлар энциклопедиясини тайёрлаш ва нашр этиш” номли илмий грант (2015-2017 йй.) доирасида белгиланган ваифаларни

бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 89-03-446-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини “Ижодий ғоя генератори”, “Моддийдаги мантик”, “Хаёлотдаги чексизлик” кабилар асосида ривожлантириш имконини берган;

ўқувчилар ижодий қобилиятининг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича таклифлар “Деворий декоратив безак” номли саноат намунасини яратишда қўлланган ва Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг SAP 01771, SAP 01796 патенти олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 февралдаги 89-03-446-сон маълумотномаси). Натижада, дизайн тўғаракларида ўқувчиларни паст, ўрта ва юқори компетенциявий мезонлар асосида табақалаштириш асосида таълим сифатини оширишга йўналтирилган махсус машқларни қўллаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 175 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, диссертациянинг илмий-амалий қийматини ёритувчи аннотацион маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш мазмуни ва принциплари, тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахс ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритилган.

Дизайн тўғараклари ўз фаолият йўналиши, педагогик шарт-шароитлари ва моҳиятига кўра ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга.

Н.П.Анисимова, Т.И.Артемяева, М.И.Беляева, В.Н.Дружинин, С.Ю.Залуцкая, Е.П.Ильин, В.А.Крутецкий, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, Г.Уоллес, Ў.Худойбергенова, В.Д.Шадриков тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда

айтиш мумкинки, қобилият – шахснинг табиий равишда у ёки бу фаолиятни бажариш кўникма, малакаларини ҳеч бир қийинчиликсиз ўзлаштириши, улар ёрдамида фаолиятни тез, осон, сифатли ва самарали бажаришини англатувчи ўзига хос индивидуал-психологик хусусияти.

Ижодий қобилият шахснинг ҳиссий кечинмаларни тўла ифодалашни тақозо этувчи ижодий характердаги у ёки бу фаолиятни бажариш кўникма, малакаларини ҳеч бир қийинчиликсиз ўзлаштириши, улар ёрдамида фаолиятни тез, осон, сифатли ва самарали бажаришини англатувчи ўзига хос индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, у мусиқа, рақс, цирк, техник ижодкорлик, тасвирий ва амалий санъат, ҳунармандчилик, спорт ва бошқа соҳалар бўйича намоён бўлади.

Ижодий қобилиятни ривожлантириш – эволюцион тарзда шахс ижодий қобилиятни методик жиҳатдан бошланғич (продуктив) даражадан юқори (креатив) даражага ўсиб ўтишини таъминлашга қаратилган педагогик фаолият жараёни ва натижаси.

Дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш – ўқувчиларнинг дизайнерлик фаолиятини самарали, муваффақиятли ташкил этишга бўлган ижодий қобилиятини методик жиҳатдан бошланғич (репродуктив) даражадан юқори (креатив) даражагача ўсишини таъминлашга қаратилган педагогик фаолият жараёни ва натижаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли Қарорига мувофиқ Республика “Болалар ижодиёти” марказлари “Баркамол авлод” болалар марказларига айлантирилган. Бугунги кунда республикада ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларда касб-ҳунарнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш мақсадида халқ таълими тизимида 215 та “Баркамол авлод” болалар маркази (137 та “Баркамол авлод” болалар маркази ва 78 та “Баркамол авлод” болалар маркази намунавий тузилмаларига мувофиқлаштирилган умумий ўрта таълим мактаби) фаолият олиб бормоқда.

“Баркамол авлод” болалар марказларининг фаолияти техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича ташкил қилинган. Шунингдек, республика “Баркамол авлод” болалар марказларида “Болалар сайёҳлик базалари”, кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилган. “Баркамол авлод” болалар маркази қошидаги 5844 та тўғаракка 220 минг нафар ўқувчи ёшлар¹ жалб қилинган.

Дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қўйидаги ёндашувлар асосида ташкил этилди: ижтимоий-маданий ёндашув, миллий-аксиологик ёндашув, индивидуал-дифференциацияли ёндашув, психологик-эстетик ёндашув, технологик ёндашув, фаолиятли ёндашув, креатив ёндашув, рефлексив ёндашув.

Муаммони назарий-амалий таҳлил қилиш дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда қўйидаги устувор

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори: <https://regulation.gov.uz/uz/document/9876>.

принципларга таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ эканини тасдиқлади: ғоявийлик, миллийлик, аксиологик, индивидуаллик, эркинлик, ўзига хослик (оригиналлик), шакл ва мазмун уйғунлиги, табиий маҳсулотлар билан ишлаш, креативлик, соҳалараро интеграция, рефлексивлик, “устоз-шогирдлик”.

Шахсда ҳар қандай билим, кўникма ва малакани шакллантириш, тажрибани ҳосил қилиш ўз-ўзидан рўй бермайди, балки жараён сифатида босқичма-босқич амалга оширилади. Дизайн тўғрақларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳам босқичма-босқич амалга оширилади. Муаммо моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш дизайн тўғрақларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятнинг қуйидаги босқичларда кечишини тасдиқлади:

Таъхислаш босқичида таъхис методлари: Ж.П.Гилфорднинг “Ижтимоий интеллект”, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестлари, “Синовлар ва хатолар методи” (ёки “Вариантларни танлаш методи”), синектика методлари, “Тасодифий ассоциациялар” машқи ёрдамида ўқувчиларнинг дизайн соҳасига оид ижодий қобилиятга эгаллиги ўрганилди (таъхисланади).

Мослаштириш босқичида ўқувчиларнинг дизайн соҳасига оид ижодий қобилиятга эгаллиги дастлабки баҳоланади ва улар соҳага оид содда топшириқлар (турли хом ашёлар (мева ва полиз экинларининг уруғларини танлаш, турлари бўйича ажратиш, бир-бирлари билан ўзаро муносабат ҳолда ёғоч, планшетда композиция яратиш бўйича гуруҳлаштириш, ёғоч, планшетни иш жараёнига тайёрлаш, бўёқ, асбоб-анжомларни ишлата олиш, рандалаш, ўйиш, тешиш, арралаш ишларини бажариш, ўлчаш, режалаш, асбобларни тузата олиш, асбобларни ишга тайёрлаш, турли елимларни тайёрлай олиш, улардан фойдаланиш, композиция тайёрлашда деталнинг турига кўра елимдан тўғри фойдаланиш, елим ёрдамида деталларни бириктириш, композицияни бўйлаш, локлаш каби амалий ҳаракатлар)ни бажаришга жалб қилинди.

Амалий босқичда тўғрақ дастури бўйича шартли табақалаштирган ҳолда ўқувчилар дизайн соҳасида ижодий қобилияти даражасига кўра амалий топшириқлар (мева, полиз экинлари уруғлари асосида планшет тайёрлаш, мева, полиз экинлари уруғларидан гуллар композициясини тузиш, А4 форматидаги қоғоздан геометрик (кўшқулок) шакллар ясаш, геометрик шакллардан “Оққуш” шаклини териш, чиғаноқлар ёрдамида планшет тайёрлаш, миниатюра элементларини чизиш, миниатюрани бўйлаш ва локлаш, қоғоздан тайёрланган композицияга ишлов бериш, манзара композициясини яратиш, табиий материаллар – гуллардан комбинация тайёрлаш, гуллардан тайёрланган композицияни планшетга жойлаштириш, табиий иплардан композиция яратиш, папье-маше усулида буюм ясаш, табиий материаллар ва табиат инъомларидан мозаика яратиш, шахсий ижодий ишни номлаш)ни бажаришга жалб этилади. Бу босқичда, шунингдек, тўғрақ машғулотида диссертант томонидан асосланган “Ижодий ғоя генератори”, “Моддийдаги мантик”, “Хаёлотдаги чексизлик” номли методлардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини самарали ривожлантиришни таъминлайди.

Таҳлил босқичи дизайн тўғрақларининг аъзолари бўлган ўқувчилар

томонидан тайёрланган ижод маҳсулларининг бадий-эстетик ва амалий қиймати, сифати, технологик жиҳатдан мукамаллигини инобатга олган ҳолда уларда ижодий қобилиятнинг ривожланиш динамикасини даврий таҳлил қилиб боришга йўналтирилади (таҳлил жараёнида Жой Пол Гилфорд (тезкорлик, мослашувчанлик, ўзига хослик) ва Т.И.Виноградова (Грицай) томонидан тўлдирилган (зеҳннинг ўткирлиги, мажозий маъно (метафора)га эгалик, қониқиш) каби мезонларга таяниб иш кўриш кутилган натижани таъминлайди).

Баҳолаш босқичида дизайн тўғаракларининг аъзолари тайёрланган ижодий маҳсулотларнинг бадий-эстетик ва амалий қиймати, сифати, технологик жиҳатдан мукамаллиги даража кўрсаткичлари бўйича баҳоланади. Таҳлил натижаслари асосида дизайн соҳасига оид ижодий қобилиятнинг ривожланиб бориш динамикасидаги юқори натижаларга кўра ўқувчилар шартли табақалаштирилган гуруҳнинг кейинги босқичига жалб қилинди.

Рефлексив босқичда ўқувчилар ўзининг дизайн соҳасига оид ижодий қобилиятини мустақил ривожлантириши учун имконият яратилиб, улар томонидан мустақил равишда Ж.П.Гилфорднинг “Ижтимоий интеллект”, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестлари, “Синовлар ва хатолар методи” (ёки “Вариантларни танлаш методи”), синектика методлари, “Тасодифий ассоциациялар” машқи, диссертант томонидан асосланган “Ижодий ғоя генератори”, “Моддиятдаги мантиқ”, “Хаёлотдаги чексизлик” номли методлар ёрдамида ижодий қобилиятининг ривожлантирилиши таъминланади. Мазкур босқичда дизайн тўғаракларининг ўқитувчиси томонидан зарур ўринларга ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатилади.

Тадқиқот доирасида дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Диссертациянинг **“Дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг методик тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш, ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг амалий-методик моҳияти ёритилган. Мавжуд хорижий тажриба билан танишиш орқали дидактик мақсади, назарий моҳияти ва амалий қийматига кўра, Ж.П.Гилфорднинг “Ижтимоий интеллект” тести, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести, “Синовлар ва хатолар методи”, синектика методи ҳамда “Тасодифий ассоциациялар” машқи каби методлар дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш имкониятига эгаллигига ишонч ҳосил қилинди. Амалиётда мазкур методларни таълим технологиялари негизида қўллаш янада самарали саналади. Қолаверса, замонавий шароитда дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришда ижодий фаолият жараёнини методик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этишда таълим технологияларидан фойдаланиш ҳам талаб қилинади. Бугунги кунда республика узлуксиз таълим тизимида ўндан ортиқ таълим технологияларидан фойдаланилмоқда. Дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш учун таълим технологиялари орасидан табақалаштирилган, индивидуал, муаммоли, интерфаол, лойиха ва инновацион таълим технологиялари танлаб олинди.

Тадқиқотда инновацион таълим технологияларининг умумий моҳияти (таълим мазмуни, мақсади, шакли, методи, воситаларига нисбатан янгилик киритиш талаби)дан келиб чиққан ҳолда бир нечта шахс, хусусан, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлган методларни асослашга эътибор қаратилди. Улар:

“Ижодий ғоя генератори” методи. Методнинг мақсади: шахс – дизайн тўғараклари ўқувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш уларни бир масала юзасидан ҳар томонлама фикрлашга, кўплаб янги ғояларни илгари суришга ўргатиш орқали ўзига хос ижодий иш (маҳсулот)ларнинг яратилишига эришиш.

Ўқувчиларнинг эътиборига “Гуллар” композицияси бўйича бир нечта эскиз ҳавола қилинади.

Топшириқ: тақдим этилган эскизлар асосида қуйидаги хом ашёлардан фойдаланган ҳолда қандай композиция яратиш мумкинлигини ўйлаб кўринг:

Хом ашёлар: кушлар, гуллар, кўзалар ва манзараларнинг фото суратлари, қалин ва юмшоқ матолар, қаттиқ ва юмшоқ картонлар, А4 ўлчамдаги қоғозлар, алюмин ёки мис симлар, ватман қоғози, сопол плита, планшет, иплар, ун, гипс, ойна, мато, қайчи.

Табиий хом ашёлар, табиат неъматлари: турли шаклдаги сувқовоқлар, турли катталиқдаги дарахт барглари, мева ва полиз экинларининг уруғлари, маккажўхори пояси ва барглари, ёнғоқ, бодом ва писта пўчоқлари, гул тожибарглари, дарахт шоҳлари, тухум пўсти, пластилин, илдизлар, қалампир, чаноқ, навда, шоҳлар, тикан, исириқ, тош, қамиш, сув, сомон, чиганоқ, гуллар.

Ўқувчиларга тақдим этиладиган эскизларни ихтиёрий бошқа мавзуда яратиладиган композициялар учун ҳам танлаш мумкин.

Тўғарак ўқувчиларини қуйидаги мавзулар бўйича ишлашга жалб қилиш ҳам мумкин: “Оригами композицияси учун эскизлар”; “Миниатюра учун эскизлар”; “Манзара композицияси учун эскизлар”.


Мазкур топшириқ бўйича ўқувчиларнинг фаолияти улар томонидан ҳар бир эскиз учун қанчалик кўп ғояни илгари сурганлиги билан белгиланади.

Баҳолаш мезони: 1) 1-3 та – қониқарли; 2) 4-6 та – яхши; 3) 6 тадан кўп – аъло.

Мазкур методдан ўқувчиларни тўғаракка қабул қилиш жараёнида ташхис, ҳар бир ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, уч йилнинг якунида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятни мустақил ташкил этишга тайёрлик даражасини баҳолаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

“Моддиятдаги мантиқ” методи. Методнинг мақсади: шахс – дизайн тўғараклари ўқувчиларида ўзлари томонидан яратиладиган ижодий маҳсулотда шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлай олиш қобилиятини ривожлантириш.

Ўқувчиларга композиция учун асос бўлувчи мавзулар ҳавола қилиниб, улар томонидан яратиладиган композицияларда ранг ва геометрик шаклларнинг тўғри танланиши, ўзаро уйғун бўлишига эришиш асосий талаб саналади.



Топширик: тақдим этилган мавзулар моҳиятини етарли даражада англаган ҳолда уларнинг моҳиятини ёритувчи композицияларни яратинг ҳамда мазкур композицияларда ранг ва геометрик шаклларнинг тўғри танланиши, уларнинг ўзаро уйғун бўлишини таъминланг.

Мавзулар

Мавзулар	Геометрик шакллар	Ранглар	Шакли
Ҳаётнинг абадийлиги			
Авлодлар давомийлиги			
Инсоннинг мустаҳкам иродаси			
Эзгулик ва ёзувлик кураши			
Ёнма-ён бўлган шодлик ва қайғу			
Кўхна ҳақиқат			
Мозийдан садо			
Умид уйғотувчи нур			
Умр мазмуни			

Топширик бўйича ўқувчиларнинг фаолияти ҳар бир мавзу асосида тасвирий ифоданинг ўзига хослиги, ранг, геометрик фигуралардан тўғри фойдаланганлик, мазмун, шаклнинг ўзаро уйғунлиги, мукаммалиги билан белгиланади.

Баҳолаш мезони: 1) тасвирий ифодада ўзига хосликнинг етишмаслиги, ранг ва геометрик фигураларнинг нотўғри танланганлиги, мазмун ва шаклнинг ўзаро уйғун, мукаммал эмаслиги, аммо уринишнинг борлиги – қониқарли; 2) тасвирий ифодада ўзига хосликнинг акс этиши, ранг ва геометрик фигураларни танлашда ноаниқликларнинг мавжудлиги, мазмун ва шаклда ўзаро уйғунлик, мукаммалликни қисман етишмаслиги – яхши; 3) тасвирий ифоданинг ўзига хослиги, ранг ва геометрик фигураларнинг тўғри танланганлиги, мазмун ва шакл ўзаро уйғунлиги, мукаммаллиги – аъло.

“Ижод олами” методи. Методнинг мақсади: бир неча шахс – дизайн тўғараклари ўқувчилари томонидан гуруҳли лойиҳа сифатида оригами, турли мавзудаги композициялар, миниатюра ва бошқа амалий ижод намуналаридан иборат яхлит тўпламининг яратилишини таъминлаш. Бунда биргина лойиҳа (декорация)да дизайн тўғаракларида ўрганиладиган ижодий иш намуна (маҳсулот)ларини акс эттиришга эришиди. Мазкур лойиҳа тўғаракка қабул қилинаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, шунингдек, кўргазмаларнинг иштироқчиларида дизайн соҳасига оид амалий санъат турлари тўғрисидаги умумий маълумот бериш учун хизмат қилиши зарур.

Топширик: лойиҳа сифатида оригами, турли мавзуда композиция, миниатюра ва бошқа амалий ижод намуналаридан иборат яхлит тўпламини яратинг.

Баҳолаш мезонлари: 1) лойиҳа (декорация)да дизайн соҳасига оид амалий санъат турларига оид ижод намуналарининг деярли акс этмаганлиги – қониқарли; 2) лойиҳа (декорация)да дизайн соҳасига оид амалий санъат турларига оид ижод намуналарининг қисман акс этганлиги – яхши; 3) лойиҳа (декорация)да дизайн соҳасига оид амалий санъат турларига оид ижод намуналарининг яхлит, тўлиқ ва мукаммал акс этганлиги – аъло.

Диссертациянинг учинчи боби “Дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари механизми” деб номланган бўлиб, унда дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари механизми, дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг натижалари, самарадорлик даражаси таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишининг мақсади дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш йўллари йўрганишдан иборат.

Мақсаддан келиб чиқиб, таъкидловчи тажриба синов ишларининг ташкил этиш учун куйидаги вазифалари белгилаб олинди; “технология” фани ғоялари негизида дизайн тўғаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва таҳлил этиш; “технология” фани ғоялари негизида дизайн тўғарак машғулотида ўқувчиларнинг фаолиятини кузатиш; ўқувчиларнинг эстетика ва дизайн ҳақидаги тушунчаларини ўрганиш ва таҳлил этиш; “технология” фани ғоялари негизида дизайн тўғараклари машғулоти самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш бўйича ўқувчиларда анкета сўровномаларини ўтказиш; ўқувчиларнинг қобилиятларини тадқиқот муаммоси доирасида тайёрланган тест топшириқлари асосида текшириш ва таҳлил этиш; ўқувчиларнинг дизайн тўғараклари машғулотларини ташкил этишдаги фаолияти бўйича фикрларини анкета сўровномалари ёрдамида аниқлаш ва дарс жараёнини кузатиш.

Тажриба-синов 2015-2018 ўқув йиллари давомида учта (асословчи, шакллантирувчи ва таъкидловчи) босқичда ташкил этилди. Илғор педагогик технологияларни қўллаш, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экани, бунинг учун машғулотларни замонавий услубларда лойиҳалаштириш ва амалиётга жорий этиш катта аҳамиятга эгаллиги асосланган.

Тажриба-синовга жалб этилган дизайн тўғараклари қатнашчиларидан 2 та, яъни тажриба ва назорат гуруҳи ажратиб олинди ва уларда ўқувчиларнинг сони мос равишда 233 ва 237 нафарни ташкил этди. Назорат гуруҳларида тўғарак машғулоти анъанавий тарзда, тажриба гуруҳларида эса тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методика асосида ташкил қилинди (1-жадвал):

1-жадвал

Тажриба-синовга жалб қилинган ўқувчилар – дизайнерлик тўғараги қатнашчилари сони

№	Тажриба-синов объектлари	Респондент (ўқувчилар) сони	Тажриба гуруҳи	Нazorat гуруҳи
1	Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Баркамол авлод маркази”	100	48	52

2	Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 11-сонли мусиқа ва санъат мактаби	60	31	29
3	Тошкент шаҳри “Ёшлар маркази”	120	60	60
4	Тошкент шаҳридаги 16-сонли мусиқа ва санъат мактаби	60	28	32
5	Тошкент вилояти Бўстонлик туман “Ёшлик” болалар соғломлаштириш оромгоҳи	130	66	64
	Жами	470	233	237

Таъкидловчи тажриба қийматлари асосида Пирсон критерийси ва ишонч интервалларини қўллаб, математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотда педагогик гипотеза сифатида $T_{кузатув}$ қиймати $T_{кр}$ билан таққосланади. Агар $T_{кузатув} > T_{кр}$ булса, H_0 (тажриба-синов ишлари самарасиз) гипотеза рад этилиб, H_1 (тажриба-синов ишлари самарали) гипотеза қабул қилинади. Шунингдек, n^2 мезонини тажриба-синов ишларида 4 та баҳолаш тури асосида олиб борилгани учун $C=4$ га тенг. Унда математик кутиш $p=0,05$ деболсак, $K=C-1=3$ бўлиб q^2 жадвали асосида олинган критик қиймат $T_{кр}=7,81$ га тенг бўлади. Кузатув асосида олинган T статистик қиймат

$$T = \frac{1}{n_1 n_2} \left(\frac{(n_1 Q_{21} - n_2 Q_{11})^2}{Q_{11} + Q_{21}} + \frac{(n_1 Q_{22} - n_2 Q_{12})^2}{Q_{12} + Q_{22}} + \frac{(n_1 Q_{23} - n_2 Q_{13})^2}{Q_{13} + Q_{23}} + \frac{(n_1 Q_{24} - n_2 Q_{14})^2}{Q_{14} + Q_{24}} \right)$$

формула асосида ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синовдан кейинги натижаларнинг статистик таҳлили

№	Объектлар	Гуруҳлар	Сони	χ^2	$T_{кр}$	Ўрт. қиймат	Самара-к коэффициенти	Танлама дисперсия	Урт. Квадр. четланиш	Ишонч оралиқлари	Хулоса
1.	Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Баркамол авлод маркази”	ТГ	48	10,89	7,81	3,90	1,14	0,55	0,21	3,69;4,11	H_1
		НГ	52			3,40		0,59	0,21	3,20;3,61	
2.	Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 11-сонли мусиқа ва санъат мактаби	ТГ	31	11,60	7,81	4,00	1,17	0,52	0,25	3,75;4,25	H_1
		НГ	29			3,41		0,73	0,31	3,10;3,72	
3.	Тошкент шаҳри “Ёшлар маркази”	ТГ	60	18,16	7,81	3,98	1,15	0,58	0,19	3,79;4,18	H_1
		НГ	60			3,45		0,65	0,20	3,25;3,65	
4.	Тошкент шаҳридаги 16-сонли мусиқа ва санъат мактаби	ТГ	28	9,32	7,81	4,07	1,17	0,57	0,28	3,79;4,35	H_1
		НГ	32			3,47		0,81	0,31	3,16;3,78	
5.	Тошкент вилояти Бўстонлик туман “Ёшлик” БСО	ТГ	66	19,29	7,81	3,95	1,16	0,56	0,18	3,77;4,13	H_1
		НГ	64			3,41		0,55	0,18	3,22;3,59	
	Жами	ТГ	233	67,58	7,81	3,97	1,16	0,56	0,10	3,87;4,07	H_1
		НГ	237			3,43		0,64	0,10	3,32;3,53	

Ушбу статистик ҳисоб жадвалига кўра, барча объектларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари бир-биридан фарқли бўлиб, ишонч оралиқлари тажриба ва назорат гуруҳларида бир-бирига мос келмайди.

Шунингдек, тажрибада олиб борилган статистик қиймат критик қийматдан T катта бўлгани ($T_{кузатув} > T_{кр}$) олиб борилган тажриба-синов ишлари самарали эканини исботлайди. Самарадорлик коэффициенти 1,16 га тенг.

Олинган натижалар тажриба гуруҳида ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан ўртача 16% га юқори эканидан далолат берди. Бундан ўқувчи-ёшларни ижодий фаолиятга йўналтириш юзасидан ўтказилган тажриба-синовнинг самарадорлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСА

1. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган дизайн тўғараклари ўқувчиларнинг дизайн соҳасига бўлган ижодий қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга тўғарак бўлиб, унинг фаолияти ташхислаш, мослаштириш, амалий, таҳлил, баҳолаш ва рефлексив босқичларда ташкил этилади.

2. Дизайн тўғараклари фаолиятида ижтимоий-маданий, миллий-аксиологик, индивидуал-табақавий, психологик-эстетик ёндашув, технологик, фаолиятли, креатив, рефлексив каби ёндашувлар, ғоявийлик, миллийлик, аксиологик, индивидуаллик, эркинлик, ўзига хослик, шакл ва мазмун уйғунлиги, табиий маҳсулотлар билан ишлаш, креативлик, соҳалараро интеграция, рефлексивлик, “Устоз-шогирдлик” (тьюторлик) каби принципларнинг устуворлик касб этиши эса кутилган натижага эришишни кафолатлайди.

3. Шахс ижодий қобилиятини ривожлантириш муаммосининг назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш гарчи қобилият, ижодий қобилият масалалари эстетик тарбия, унинг бадий-ижтимоий аҳамияти, дизайнерлик фаолияти, талабаларда дизайнерлик қобилиятини ривожлантириш доирасида тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ, бевосита қўшимча таълим муассасалари мисолида мустақил тадқиқот сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

4. Дизайн тўғараклари ўқувчилари фаолиятини амалий ўрганиш эса уларда ижодий қобилиятнинг юқори ва ўрта даражалар бўйича ривожланганлик кўрсаткичлари паст эканлигидан далолат бериши тўғаракларда ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришга оид такомиллашган махсус методикани ишлаб чиқишни тақозо қилади.

5. Хорижий давлатларда шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга оид бой тажриба тўпланган. Мавжуд хорижий тажриба билан танишиш орқали дидактик мақсади, назарий моҳияти ва амалий қиймати кўра, Ж.П.Гилфорднинг “Ижтимоий интеллект” тести, Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести, “Синовлар ва хатолар методи”, “Синектика” методи ҳамда “Тасодикий ассоциациялар” машқи каби методлар дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш имкониятига эгаллигига ишонч ҳосил қилинди.

6. Глобал ахборотлашув ва таълим тизимида кескин ўзгаришлар рўй бераётган мавжуд шароитда дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни ижодий фикрлашга одатлантиришда инновацион таълим

технологияларининг функционал ва дидактик имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

7. Бугунги кунда республика таълим тизимида хорижий тажрибага кўра, ўндан ортиқ инновацион таълим технологияларидан фойдаланилмоқда. Педагогик тажриба дизайн тўғаракларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этишда назарий моҳияти, етакчи ғоялари, дидактик имкониятини таҳлил қилган ҳолда танлаб олинган табақалаштирилган, индивидуал, муаммоли, интерфаол, лойиҳа, инновацион каби таълим технологияларининг педагогик аҳамиятга эканини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАДЖАПОВА ЗУХРА ТИРКАШЕВНА

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ
УЧАЩИХСЯ В КРУЖКАХ ДИЗАЙНА**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/Ped18.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Булатов Саидахбор Сабитович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Исмоилова Зухра Карабаевна
доктор педагогических наук, профессор


Бойметов Ботир Болтабаевич
кандидат педагогических наук, профессор


Ведущая организация: Гулистанский государственный университет


Защита диссертации состоится «30» 10 2020 года в 10 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1377). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «21» 10 2020 года.
(протокол рассылки № 18 от 21.10 2020 года).


Р.Х.Джураев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор, академик


Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент


Н.А.Муслимов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор



Введение (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в условиях глобальной информатизации, интенсивных изменений в социальных отношениях, быстрого экономического развития в образовательный процесс внедрены механизмы формирования способности к свободному, самостоятельному, критическому и креативному мышлению обеспечения воспитания всесторонне развитой личности. В “Дорожной карте художественного образования”, принятой ЮНЕСКО в 2006 году и “В Сеульской повестке дня”, принятой в 2010 году, особое внимание обращено организации воспитания личности посредством искусства, приоритетным направлениям художественного и культурного воспитания, художественно-культурным проектам, имеющим прикладное и эстетическое значение.

В ведущих образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся исследования в области совершенствования на креативной основе механизмов развития художественных, эстетических и творческих способностей учащихся, моделей развития творческих способностей учащихся в школах искусств и культуры, организации художественной воспитательной деятельности обучаемых. Особое внимание уделяется научным исследованиям в области развития эстетического воспитания обучаемых в мегаполисах, развития дизайнерского, изобретательского и технического творчества обучаемых, повышения эффективности факторов, оказывающих влияние на способности личности.

В нашей республике разработаны нормативные основы и усовершенствована материально-техническая база развития воспитания личности посредством искусства, подготовки учащихся к дизайнерской и технической творческой деятельности, развития творческих способностей учащихся в кружках искусства, дизайнерского и технического творчества обучаемых на основе передового зарубежного опыта, расширена специализированных школ искусства и культуры. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи, как “воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, поддержка и реализация творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения»¹. В результате, были созданы широкие условия для совершенствования развития творческих способностей учащихся, творческому развитию художественно-эстетического воспитания обучаемых в кружках дизайна.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

¹Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах” №УП-4947 от. 7 февраля 2017 года // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – № 6. – Ст. 70.

Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 “Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4038 «Об утверждении концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №9 «Об организации деятельности специализированных школ искусства и культуры, а также школ-интернатов» от 9 января 2019 года, в пяти важных инициативах Президента Республики Узбекистан по организации социальной, духовно-просветительской работы по новой системе, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В исследованиях М.Х.Ахуновой, Ф.А.Джумабаевой, Р.Х.Джураева, И.Н.Исломова, Н.А.Муслимова, Н.Суфиходжаева, У.К.Толипова, З.М.Турсуновой, Х.А.Туракулова, Г.С.Шариповой, Ш.С.Шарипова и других изучены проблемы развития творческого мышления, а также изобретательства, дизайнерского и технического творчества учащихся и студентов, использования возможностей изобразительного искусства при изучении узбекской литературы в общеобразовательной школе.

